

ЙЎРИҚНОМА


(Юридик шахслар ва ЯТТ учун)

Қидирув тизими **МХИК**ни қидириб топиш, уни шахсий кабинетда сақлаш ва электрон ҳисоб-фактуралар, электрон шартномалар ёки онлайн-назорат касса машиналари ҳамда виртуал кассаларда автомат тарзда акс эттиришга хизмат қилади.


МХИК бу нима?

МХИК - бу маълум бир товар ёки хизмат турига тайинланган белгилар (рақамлар) тўплами кўринишида тақдим этилган товар ва хизматларнинг идентификация коди.


МХИКни <https://tasnif.soliq.uz> интернет манзилида жойлаштирилган қидирув тизимидан фойдаланган ҳолда аниқлаш мумкин.



МХИК 8 та рақамдан иборат бўлиб, қидирув тизимида товарлар ва хизматларнинг номидан олдин келади.




Қидирув тизими рус ва ўзбек тилларида тақдим қилинган. Керакли тилни саҳифанинг тил панели орқали танлаш мумкин.




Қидирув тизими **МХИК**ни излашнинг 3 та усулини қўллаб-қувватлайди.

1. Маҳсулот ёки хизмат номи бўйича излаш.



Бунда товар ва хизматларнинг номи тўлиқ ёки қисман киритилади.

Қидирув тизими бир нечта ўхшаш **МХИК**ни ва уларнинг номларини танлаш имконини тақдим қилади.




Керакли **МХИК** танланганда тизимда иккинчи ойна очилади. Унда танланган **МХИК** ҳамда шу синфга яқин бўлган бошқа товар ва хизматлар номи тақдим этилади.

010 Донли ўсимликлар

МАККАЖҲОРИ	
МХИК коди : 01005	ТАНЛАНГАНЛАРГА ҚЎШИШ
БУҒДОЙ	
МХИК коди : 01001	ТАНЛАНГАНЛАРГА ҚЎШИШ
ЖАВДАРИ	
МХИК коди : 01002	ТАНЛАНГАНЛАРГА ҚЎШИШ


Ушбу саҳифадаги **ТАНЛАНГАНЛАРГА ҚЎШИШ** тугмаси орқали белгиланган **МХИК**ни **ТАНЛАНГАН МАҲСУЛОТЛАР** бўлимига қўшиш лозим.

МХИКни танланганлар бўлимига қўшиш **шахсий кабинет** орқали амалга оширилади. Шахсий кабинетга **электрон рақамли имзо (ЭРИ)** орқали кирилади. Тугма босилганда шахсий кабинетга ЭРИ орқали кириш ойнаси автомат очилади. Шунингдек, шахсий кабинетга асосий саҳифадаги **КАБИНЕТГА КИРИШ** тугмаси орқали ҳам кириш мумкин.



Керакли ЭРИ калити танланиб, **КИРИШ** тугмаси орқали ЭРИ паролени терган ҳолда шахсий кабинетга кирилади.

ЭРИ калити билан боғлиқ батафсил маълумотларни <https://e-imzo.uz> интернет манзили орқали олиш мумкин.




Шахсий кабинетда **МХИК**ларни танланганларга **ҚЎШИШ** ва **ЎЧИРИШ** имкони мавжуд.

8 белгили МХИК билан ишлашни қандай бошлаш мумкин

Ўзгартиришлар Товарлар ва хизматлар ягона электрон классификаторини кенгайтириш ва ривожлантириш билан боғлиқ. 8 белгили МХИКни тезкор излаш учун <https://tasnif.soliq.uz/classifier/> сайтининг излаш сатрида илгариги 5 белгили кодни бериш етарли. Натижаларда сиз 8 белгили МХИКни оласиз.

Мисол учун, МХИК 08446 “Тўқиш дастгоҳлари”ни олайлик, у “Тўқиш дастгоҳлари: ва бошқалар” (“ўзга” сўзи бўлиши мумкин) номи билан 8 белгилига 08446001 ўтказилган.




08446

08446 001 - Тўқув машиналари : ва бошқалар

Сизга керакли бўлган МХИКни илгаригидек номи, штрих коди ва ИФУТ бўйича излаш мумкин.

Товарни номи билан излашда энг кенг тарқалган хато - ноаниқ мужмал ибора. Масалан, “савдо ускунасини жойлаштириш учун”. Солиқ тўловчи нимани назарда тутганлигини тушуниш мураккаб. Бу масалан, “ижара” ёки “маркетинг” бўйича хизматлар бўлиши мумкин. Агар гап аниқ ускуна турини сотиб олиш ҳақида борса, МХТКни айнан унинг учун излаш зарур (масалан, музлаткич).



ижара

70801002 - **Ижара** ва лизинг : Бошқалар

70801001 - **Ижара** ва лизинг : Роялти

70801999 - **Ижара** ва лизинг : Бошқа **ижара** ва лизинг хизматлари

70406004 - Ахборот соҳасидаги хизматлар : **Ижара** га олинган дастурий таъминотни тақдим этиш бўйича хизматлар

Агар тақдим этилган, бироқ ҳали контрагентлар томонидан имзоланмаган 5 белгили кодларни қўллаган ҳолда расмийлаштирилган ЭХФ мавжуд бўлса, уларни тузатиш зарур эмас. Бироқ янги ҳисобварақ-фактураларни тақдим этишда фақат 8 белгили МХИКлардан фойдаланиш зарур.

Агар излаш натижасида изланган товарлар ва хизматларларнинг номлари мавжуд бўлмаса, иқтисодий ва мантқиқий маъноси бўйича энг тўғри келадиганини танлаш ёки - “ўзга” тоифасидан фойдаланиш зарур.

Истикболда классификатор кенгайтирилади ва тўлдириб борилади.

ЭХФни янги 8 белгили МХТКдан фойдаланган ҳолда тақдим этиш учун, куйидаги созлашни амалга оширинг:

1. <https://tasnif.soliq.uz/classifier/> ҳаволаси бўйича ўтинг.

2. Юқори ўнг бурчакда “Кабинетга кириш” тугмасига босинг (юримдик шахс ёки ЯТТнинг ЭРИ талаб қилинади).

3. Шахсий кабинетда илгари қўшилган танланган товарлар ва хизматлар рўйхатидан барча сақланган 5 белгили кодлар, шунингдек вақтинча 10 белгили кодларни олиб ташланг.

4. Излаш тизими ёрдамида керакли 8 белгили МХИКни топинг. Бунинг учун излаш сатрига куйидаги параметрлардан бирини киритинг:

- сизга маълум бўлган 5 белгили кодни;
- маҳсулотнинг номини (аниқ савдо русумини кўрсатмаган ҳолда киритинг. Масалан, агар сиз мотор мойини реализация қилсангиз, излаш сатрига “мотор мойи”ни киритиш етарли);
- GS1 Uzbekistan уюшмаси томонидан берилган товарнинг штрих кодини;
- ТИФ ТН кодини (ТИФ ТНнинг дастлабки тўртта рақами таснифлашнинг гуруҳи ва синфини очиб беради).

5. Сиз керакли 8 белгили кодни топганингиздан кейин, “Танланганга кўшиш” тугмасини босинг.


Агар сиз турли товарлар ва хизматларни реализация қилсангиз, буларнинг ҳаммасини ҳар бир позиция бўйича амалга оширинг. Натижада идентификация кодлари ва товарлар ва хизматларнинг номлари рўйхати олинади, уларни сиз ЭХФнинг тегишли устунини тўлдирган ҳолда танлайсиз.

Эътибор беринг!

tasnif.soliq.uz ва my.soliq.uz порталлари - ЭХФ операторлари сайтлари сингари интеграцияланган. Агар сиз товарлар/хизматлар МХИКни tasnif.soliq.uz да танланганларга қўшган бўлсангиз, уни my.soliq.uz да ёки ЭХФ операторлари сайтида кўшиш зарур эмас, у сизларнинг кабинетларингизда автоматик тарзда акс эттирилади.

Созлашни тугаллаш учун ўзингизнинг ЭХФ операторингиз билан маслаҳатлашинг ва унинг тавсияларини бажаринг.

Танланган **МХИК**лар **ТАНЛАНГАН МАҲСУЛОТЛАР** бўлимида шаклланади.



Шунингдек, бу бўлимдан танланган **МХИК**ларни ўчириш ёки уларни танланганлар орасидан излаш имкони мавжуд. Фойдаланувчиларнинг **ТАНЛАНГАН МАҲСУЛОТЛАР** бўлимидаги **МХИК**лари уларнинг электрон ҳисобварақ-фактуралари, электрон шартномалари ва онлайн-назорат касса машиналари ҳамда виртуал кассалари тизимида автомат шаклланади.

№	Қўшилган вақти	МХИК код	Маҳсулот / хизмат номи	Амаллар
1	13.11.2020	06401	Пойафзал	ЎЧИРИШ
2	12.11.2020	01901	Ун ва ёрмдан олинадиган маҳсулотлар (макарондан ташқари)	ЎЧИРИШ

Тизимнинг асосий ойнасидан **МХИК**ларининг тўлиқ рўйхатини **JSON**, **XML**, **XLS** форматларида юклаб олиш мумкин.



Агар сизда саволлар қолган бўлса, бизга ёзишингиз мумкин (экраннынг пастки ўнг қисмида чат мавжуд):

